

**№01-07/9
01.08.2022 йил**

**ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
“Ўзархив” агентлиги директори,
Хайъат йиғилиши раиси**



У. Юсупов

2022 йил 1 август

**“Ўзархив” агентлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши
9-сон БАЁНИ**

2022 йил 1 август

Тошкент ш.

Раислик қилувчи:

У. Юсупов

“Ўзархив” агентлиги директори, Ҳайъат раиси.

Қатнашдилар:

Ш.Садиков, Х.Исаев, Д.Кучарова,
А.Маманазаров, Д.Закирова

Ҳайъат аъзолари.

Таклиф қилинганлар:

Д.Хамдамов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси бош мутахассиси;

Агентлик марказий аппарати ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари, Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази директорлари.

КУН ТАРТИБИ:

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси фаолиятини такомиллаштириш”га оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-176-сон Фармони ижросини таъминлаш чораларини кўриш тўғрисида (У.Юсупов).

II. 2022 йил июль ойи якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойишлари, топшириқларида белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида (Ш.Садиков, Д.Юсупов).

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар муҳокамаси асосида қарор қилинди:

**I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 июлдаги
“Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси фаолиятини
такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
ПФ-176-сон Фармони ижросини таъминлаш чораларини кўриш тўғрисида**

(У.Юсупов, Д.Хамдамов, Ш.Садиков, Х.Исаев, Д.Юсупов, У.Юсупов)

1. “Ўзархив” агентлиги директори У.Юсуповнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 26 июлдаги ПФ-176-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2022 йил 28 июлдаги 12/1-1956-хдфу-сон топширифи тўғрисидаги ахбороти хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижро этувчи аппарати тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ўринbosари лавозими киритилганлиги;

Ижро интизомини таъминлаш шўъбаси тугатилганлиги ҳамда унинг негизида **Назорат инспекцияси** ташкил этилганлиги;

Назорат инспекцияси:

давлат органлари ва ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириклари ижроси бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, уларнинг ижросини тўлақонли таъминлаш учун давлат органлари ва ташкилотларининг молиявий маблағларини ҳамда мавжуд куч воситаларини тўлиқ жалб қилиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган талабномалар юбориши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириклари ўз вақтида ва сифатли ижро этилмаганлиги, ижроси ҳақидаги ахборотлар тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарларини жавобгарликка тортиш, уларнинг масъул ходимларига нисбатан интизомий ва бошқа жазо чораларини қўллаш тўғрисида ваколатли органларга тақдимнома ва таклифлар киритиши;

давлат органлари ва ташкилотларининг ижро интизомига масъул бўлинмалари раҳбарларини лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод этиши масалаларини келишиши белгиланганлиги **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

2. “Ўзархив” агентлиги директори ўринbosарлари (Ш.Садиков, Х.Исаев), Назорат ва ижро интизоми сектори бошлиғи (Д.Юсупов), Архив иши худудий бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон миллий архивлари директорлари:

2022 йил 1 августдан бошлаб **ҳар ой якунига қўра** ўтказиладиган ижро назорати коллегиал йиғилишларида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари таклиф этилиши ва ахбороти эшитилиши белгиланганлигини инобатга олиб, Агентлик зиммасига юклатилган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириклар ижроси тўғрисида тегишли ахборот материалларини **пухта тайёрлаб борсинлар;**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топширикларининг аниқ амалий натижаларга эришилиши таъминланмасдан туриб, юзаки бажарилишига йўл қўймаслик;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли ижро этилмаганлиги, ижроси ҳақидаги ахборотлар тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жавобгарликка тортилиши, масъул ходимларга нисбатан интизомий ва бошқа жазо чоралари қўлланилиши тўғрисида **огоҳлантирилсинлар**.

**II. 2022 йил июль ойи якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунлари,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойишлари,
топшириқларида белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида**

(У.Юсупов, Д.Хамдамов, Ш.Садиков, Х.Исаев, Д.Юсупов, У.Юсупов)

3. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги директори ўринbosари Ш.Садиковнинг Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида ўтказилган мажлислар ҳамда худудларга ташрифлар баёнларида белгиланган вазифаларнинг бажарилиш ҳолати ҳақидаги ахбороти, хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва топшириқларидан 2022 йил июль ойи ва август ойининг 1 санасида бажарилиши белгиланган жами **18 та** топшириқларнинг тўлиқ ижроси ўз вақтида таъминланганлиги ҳамда муддати ўтган ёки кечиктириб бажарилган топшириқлар мавжуд эмаслиги;

Агентликда 2022 йил 1 август ҳолатига жами 2228 та назоратдаги топшириқлар мавжудлиги, шундан:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари бўйича топшириқларнинг 69 таси бажарилганлиги, 1 таси бажариш жараёнидалиги ва муддати ўтган топшириқлар мавжуд эмаслиги;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳужжатлари бўйича топшириқларнинг 27 таси бажарилганлиги, 1 таси бажариш жараёнидалиги ва муддати ўтган топшириқлар мавжуд эмаслиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳужжатлари бўйича топшириқларнинг 11 таси бажарилганлиги, 1 таси бажариш жараёнидалиги ва муддати ўтган топшириқлар мавжуд эмаслиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бўйича топшириқларининг 42 таси бажарилганлиги, бажариш жараёнидаги ва муддати ўтган топшириқлар мавжуд эмаслиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг таркибий бўлинмаларидан келиб тушган ҳужжатларнинг 166 таси бажарилганлиги, 6 таси бажариш жараёнидалиги ва муддати ўтган топшириқлар мавжуд эмаслиги;

вазирлик ва идоралар ҳамда тизим ташкилотларидан келган ҳужжатларнинг 1862 таси бажарилганлиги, 37 таси бажариш жараёнидалиги, муддати ўтган топшириқлар мавжуд эмаслиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

4. “Ўзархив” агентлиги директори ўринbosарлари (Ш.Садиков, Х.Исаев) ҳамда Назорат ва ижро интизоми сектори бошлиғи (Д.Юсупов):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори билан

белгиланган талаблар асосида **топшириқларнинг ўз вақтида ва тўлақонли бажарилиши юзасидан таъсирчан чоралар кўрсинаилар;**

топшириқлар ижросини амалда назорат қилинишини шахсан ташкил этсинлар, бунда марказий аппарат, худудий бошқармалар ва Ўзбекистон миллий архивларида ишларнинг реал ҳолатини танқидий ўрганишга эътибор қаратсинлар;

топшириқларни бажариш бўйича назорат ва ҳисобдорликни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори билан белгиланган тартибга қатъий амал қилган ҳолда ташкил этсинлар.

5. Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши худудий бошқармалари бошликлари, Ўзбекистон миллий архивлари ва Архив иши ва иш юритиш маркази директорлари:

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари билан ишлашда, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарори талабларига ҳамда ижро интизоми ва иш юритишни ташкил этишда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартағи 140-сон қарор талабларига мувофиқ ишларни ташкил қилиш ва ижро интизомининг ахволи мониторингини олиб бориш тартибига қатъий риоя этилишига эътибор қаратсинлар;

тасарруфидаги қуи ташкилотларда ижро интизоми ҳолатини мунтазам равишида ўргансинлар ва назоратга олган ҳолда натижадорлигини ошириш юзасида йиғилишларда танқидий муҳокама қилиб борсинлар;

хужжатларни рўйхатга олиш ва ижро интизомини таъминлаш тизимининг мавжуд камчиликларини чуқур таҳлил қилган ҳолда амалдаги тартибнинг бузилишига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан ўрнатилган тартибда таъсирчан чоралар кўрсинаилар.

6. Ушбу Ҳайъат йиғилиши қарорлари ижроси юзасидан умумий назорат Агентлик директори ўринбосари Ш.Садиков зиммасига юклатилсин.

Ҳайъат аъзоси:

Ш.Садиков

Х.Исаев

Д.Кучарова

А.Маманазаров

Д.Закирова

Баённома тузувчи:

Ш.Хожибоев

